



# ХАВАР

خبر

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган ● 1998 йил, 21 август 33 (313) ● Сотувда нархи эркин

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг курсатмасига биноан Алоқа институтидаги туртта кундузи бўлим факультетлари қошида 1997-1998 ўқув йили бошида ис-теъодли талабалар гуруҳлари ташкил этилган эди. Бу талаба-лар уз қобилиятлари, билимга чанқоқликлари, тиришқоқлик-лари билан бошқалардан ажралиб турарди.

Сараланган талабалар янги компьютер технологиясини ўрганиш, уларни замонавий теле-

ши мумкин:

— ўқув дастурлари янги телекоммуникация технологияси асосида узгартирилиб, туманлардаги алоқа корхоналарининг ишлаб чиқаришдаги янгиликлари билан бойитиб турилмоғи лозим;

— вилоят ва туман алоқа корхоналари ишлаб қабул қилган ҳар бир мутахассис ҳақида рекламацион тавсифлар тузиб, институт илмий кенгаши муҳокамага уз таҳлил натижаларини юборишлари шарт;

— алоқа боғламлари уз режа-лари ва шароитига ҳамда замона-

дай чоралар талабаларга келгуси-да самарали иш олиб боришлари-да қўл келадди.

Талабалар ҳам ҳар хил була-ди. Афсуски, айрим талабалар уз-ларига нисбатан талабчанликни сусайтириб юборадилар, бунинг оқибатидан мушқул аҳволга ту-шиб қоладилар ва ҳатто инсти-тут билан мулдлатидан олдин хайрлашадилар.

Институтдаги ўқитиш жараё-ни талабаларни келажакда эмин-эркин ишлаб кета олишлари-га, тез узғариб бораётган технологик жараёнларни қийналмай, муваф-

## СОҲА ТАЛАБИ КЎЗГУСИДА

коммуникация тизимларини бош-қаришдаги ўрни билан танишиш ва алоқа тармоғини самарали компьютерлар ёрдамида бошқа-риш натижасида тармоқ орқали утаётган хабарлар оқимини энг камда 20-30 фоизгача орттири-ни таъминлай оладиган усуллар-ни мукаммал ўзлаштирадилар.

Янги замонавий телекоммуни-кацияга оид адабиётлар, асосан инглиз тилидадир. Аспирантлар инглиз тилини мукаммал билмас-лиги боис уларни хорийж са-фарга жўнатишга қийинчилик ту-ғилади. Шунингдек, хорийж фирмалар билан ишлаш жараёни ҳам осон бўлмайди.

Агар вилоятлардан шартнома-лар асосида саралаб, институтга қабул қилинган талабалар бир-ик-ки йил аввал, яъни мактабда ўқиб юрган даврдан алоқа кор-хоналари томонидан назоратга олинса, чет тили ва компьютер-ни қандай ўзлаштиришга қураб қўйиб борилса, мақсадга муво-фиқ бўлар эди. Амалиётда мак-таб ўқувчилари билан институт орасидаги «кўприк» масаласида алоқа корхоналари мутасадди бў-лишлари лозим. Бундай муноса-батлар қуйидаги йўналишлар бўйича олиб борилса, уқиб ва ўқитиш жараёни сифатли бўли-

талабига қараб ҳодимларнинг ма-лака ва билимининг такомиллашти-риш борасида ҳар уч-тўрт йилда агентлик ва институтга тақсифлар киритишлари ҳамда уларни амал-га ошириш учун институт билан биргаликда дастурлар тузиб чиқи-ши керак;

— вилоят алоқа корхоналари техникага қизиқадиган, қобилият-ли ешларни «радио», «еш алоқа-чи» каби клубларга ва уз соҳала-рга жалб қилишлари, мактаблар-да радио тўрақлар тузишлари, со-ҳа келажакига оид қизиқарли су-батлар ва эскурсиялар ташкил этишлари лозим.

Бундай чора-тадбирлар натижа-сида соҳа сифатли мутахассислар-га эга бўлади деган умиддамиз.

Илгари талаба институтга кир-гандан то битиргунга қадар декан-ат, факультет кенгаши, факультет услубий қўмитаси назоратда бу-ларди. Эндиликда шарт-шароит уз-гарди. Иккинчи курсдан сунг та-лабаларни аттестациядан ўтказиб, улар билан расмий муомалалар шартномалар асосида қурилиши керак. Булажак иш жойларини кор-хона ва ташкилотлар оталиққа олишса, қўшимча рағбатлантириш чоралари қўрилса, ўқув амалиёт-лари ушша жойларда ўтказилса, бун-

фақиятдан узлаштиришлари-га қар-атилмоғи лозим.

Замона талабига биноан му-ҳандис ижодий фикрлаш (ихти-рочилик фаолияти), ишлаб чиқари-лиш жараёнини ташкил эта би-лиш, техник қурилмаларни иш-лаб чиқара олиш ва ишлатиш жа-раёнларини назорат этиш ҳамда улар ишлатётган технология ма-ҳсулотни жаҳон бозорида сифат, қиймат ва техник имкониятлари бўйича рақобатлаша олиш хусу-сиятлари эга бўлмоғи шарт.

Оқорида баён қилинган му-лоҳазаларга қўра, соҳамиздаги корхоналарнинг ҳодимлари келажакдаги пундай мутахассисларни мактаб ўқувчилари орасидан эр-тароқ қўра билишлари, уларни ҳам моддий, ҳам маънавий жи-ҳатдан, қўлай оладиган имко-ниятларга эга бўлишлари лозим. Замона талабига мос мутахассис-лар тайёрлашни алоқа институти узининг асосий вазифаси деб би-лади.

**М. ОРИПОВ,**  
Тошкент электротехника  
Алоқа институти  
проректори,  
профессор

## МУСТАҚИЛЛИК — ИФТИХОРИМИЗ, ШОНИМИЗ...

1. **Мустақиллик байрамининг етти йиллигини нишонлаш арафасидаммиз. Шу давр мобайнида рўй берган қайси воқеалар, ўзгаришларни муҳим деб ҳисоблайсиз?**

2. **Сизнингча, ҳар бир фуқаро, жумладан, ўзингиз мустақилликни мустаҳкамлаш учун қандай ҳисса қўша олишингиз мумкин?**

**Кенжабой ИБРОҲИМОВ,**  
Ўзбекистон почта ва теле-  
коммуникациялар агент-  
лиги бош ҳисобчиси:

1. Яқинда ота-боболаримиз орзу қилган мустақилликка эришганимизга етти йил ту-лади. Биз унга осонликча эришганимиз йўқ. Шунинг учун ҳам мустақиллик ҳақида чуқур мулоҳаза билан суз юритмоқ зарур деб ўйлайман. Шуро тузуми даврида халқи-мизни саводсиз халқ деб қўп маломатга қўйишар эди. Ва-ҳоланки, биз яшаб турган за-миндан Муҳаммад ал-Хораз-мий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Улугбек, Бобур каби буюк ал-ломалар етишиб чиққан эди. Мана ҳозиргача бутун дунё улар яратган илмий кашфиёт-лар ва бадий асарлардан фойдаланиб келмоқда. Со-ҳибқирон Амир Темур олим-и ижодкорларни уз паноҳига олиб, уларга раҳнамолик қил-ди, улмас обидалар яратди. Мен ана шундай улуг, бунёд-кор халқнинг фарзанди экан-лигимдан доимо фахрланиб юраман.

Мустақилликни қўлга ки-ритганимиздан буён юртимиз-да жуда қўп узғаришлар, муҳим воқеалар содир бўлди. Энг муҳими — бизни қўп давлатлар тан олди ва биз билан турли соҳаларда ҳамкор-лик қилишга интилишмоқда. Асакада автомобиль, Урганч-да алоқа заводлари каби ян-гидан янги корхоналарнинг очилиши — истиклол шаро-фатидан деб биламан. Ёки булмаса бир пайтлар «савод-сиз» дея паст назар билан қар-алган ўзбек ўғил-қизлари бугун Америка, Англия, Фран-ция, Германия, Туркия каби давлатларнинг энг нуфузли билим даргоҳларида сабоқ олишмоқда. Эндиликда ма-ҳаллий мутахассисларимиз хорийжнинг нуфузли ўқув мар-казларида малака ошириб, чет эллик ҳамкасблар билан узаро таъриба алмашиш им-кониятига эга. Менинг ўзим ҳам 1995 йили Туркия дав-латида бўлиб, бухгалтерия ва иқтисод соҳасида малака оши-риб қайтдим. 1996 йили эса алоқа соҳасида хизмат қи-лаётган бир гуруҳ ҳисобчи ва иқтисодчилар икки ҳафта мо-байнида Англияда бўлишиб, у ерда бухгалтерия ҳисоботи ва солиқ хизмати билан тани-шишди. Буларнинг барчаси

мустақилликнинг бизга бер-ган кенг имконияти туфайли-дир.

2. Юртимизнинг ҳар бир фуқароси уз зиммасига юкла-тилган вазифани сидқидилдан бажариб борса, бу унинг му-стақилликни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси бўлади. Агентликнинг бош ҳисобчиси сифатида мен доимо зиммам-да катта вазифа, масъулият турганини ҳис қиламан. Шу боис ҳам барча ҳисоб-китоб ишларини тўғри юритиш пайида бўламан. Утган йили бухгалтерия ҳисобига оид ян-ги қонуннинг қабул қилини-ши ва яқинда Вазирлар Маҳ-камасининг дебитор ва кре-дитор қарзларини уз вақтида тўлаш ва ундириш бўйича чи-қарган қарори биз ҳисобчи, иқтисодчилар олдида катта ва-жифаларни қўйди. Бозор иқ-тисодиётига ўтиш ҳам биздан жуда катта билимини талаб қи-лади. Шунинг учун биз ҳи-собчилар, иқтисодчилар дои-мо уз билимимизни ошириб боришимиз зарур. Бунинг учун семинарлар, чет эллик мутахассислар иштирокда ўқув машғулотлари тез-тез ў-тказилиб турилса айни муддао бўлар эди. Шунингдек, ҳисоб-китоб ишларини тез ва пи-шиқ-пuxта бажариш учун қўп-роқ замонавий компьютерлар-дан фойдаланишимиз зарур бўлади.

Ҳозир баъзи муаммолар ва бозор иқтисодиётининг қийинчиликларига дуч келяп-миз. Мен бу қийинчиликлар-нинг барчаси ўткинчи деб ҳи-соблайман. Барча чигал муам-моларни ҳал қилиш йўли бит-та, у ҳам бўлса аҳиллик, ҳам-жихатликда ишлашдир. Шукр-ким, юртимиз тинч-осуда. Ишлайман, ўқийман, юртим ривожига ҳисса қўшаман де-ган ҳар бир юртдошларимиз учун барча шарт-шароит, им-кониятлар етарли. Биз фақат астойдил меҳнат қилишимиз, изланишимиз, ўқишимиз, Ол-лоҳ инъом этган мустақиллик-ни куз қорачигидек асраб-авайлашимиз, юртбошимиз олиб бораётган сивсатни, биз алоқачилар агентлик раҳба-риятининг саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашимиз керак.

**Сўхтани**  
**Абдугани**  
**АБДУРАҲМОВ** ёзиб  
олди

## ОЛАМДА НИМА ГАП?

- Янгиликлар - Воқеалар - Хабарлар

● **Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Эл-юрт хурмати» орденини таъсис этиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.**

● **Эркаклар ўртасида теннис бўйича халқаро «Челленжер» турнири эндиликда Самарқандда ҳам ўтказилмайдиган бўлди. Октябрь ойида бўлиб ўтадиган ушбу халқаро мусобақа «Ай-Ти-Пи» компанияси ва вилоят ҳокимлиги томонидан ташкил этилмоқда.**

● **Пойтахтимиздаги йирик маҳаллалардан бири — Ўзқорда республика Мустақиллик куни арафасида 15 минг рақамли янги автомат-телефон станцияси фойдаланишга топширилди.**

● **Ҳар тўрт йилда бир марта ўтказиладиган аънавий Жаҳон кўргазмасида дунёнинг**

175 давлати қаторида Ўзбекистон ҳам қатнашадиган бўлди.

● **Қозғистондаги энг йирик корхоналардан бири ҳисобланган Павлодар трактор заводининг қарзи 40 миллион АҚШ долларига етди. Корхонада 23 минг иш ўрни мавжуд. Завод маъмурияти мамлакат ҳукумати билан келишган ҳолда заводнинг айрим жиҳозларини кимосида савдосида сотишга қарор қилди.**

● **1 сентябрдан бошлаб Кримда чегара режими жорий қилинадиган бўлди. Украина ҳукуматининг қарорига кўра чегара режими жумладан Севастополь, Ялта, Феодосия, Керчь, Евпатория ва Алусташда ўрнатилади.**

● **Жазоир хавфсизлик кучлари мутаассиб ислом гуруҳининг 25 нафар аъзосини қатл этдилар.**

● **АҚШ Президенти Билл Клинтон ва Оқ уйнинг собиқ ҳодимаси Моника Левински ўртасидаги можаро атрофидаги гапларга ниҳоят нукта қўйиладиган бўлди. Оқ уйда беш ярим соат вақт мобайнида махсус прокурор Кеннет Старр томонидан ўтказилган тергов жараёнида Б. Клинтон М. Левиңски билан ҳақиқатан ҳам «нозик» муомалада бўлганини тан олди. У содир этилган иш учун жавобгарликни бўйнига олишини айтиб, мазкур масала бўйича ҳеч қачон бировни ёлгон кўрсатма беришга, ноқонуний ҳаракатлар қилишга мажбурламаганини таъкидлади. Терговдан сўнг Б. Клинтоннинг сўзлари мамлакат телевидениеси орқали эфирга узатилди.**

Инсон дунёга келиб ҳаёт кечирар экан, ўзидан эзгу ном қолдиргиси келади. Пайгамбаримиз Муҳаммад саллоллоху алайҳи васаллам ҳам ўз ҳадисларида «Киши бу дунёдан ўтар экан ўзидан: садақаи жориа, солиҳ фарзанд, ибратли шогирд қолдирмоғи керак» дея бежиз айтмаганлар. Ҳар учаласидан ҳосил бўлган савоб то қиёматгача марҳумнинг руҳига етиб бориб турар экан.

Ўзидан ана шундай солиҳ фарзанд, ибратли шогирдлар қолдирган инсонлардан бири Сирдарё вилоятида телевидение ва радио асбоб-ускуналарини таъмирлаш ишларини йўлга қўйган Аҳмаддон ака Хўжаниёзов эди. Афсуски, у киши бугун ораимизда йўқ. Агар ҳаёт бўлганларида 60 ёшга тўлган бўлар эди. Аҳмаддон ака 1938 йили Хоразм вилояти, Шовот туманининг Манак қишлоғида деҳқон оиласида дунёга келди. Ёшлик чоғларидан радиотехникага қизиқди. Шу боис ҳам 1952 йили қишлоқда ўрнатилган радиоузел уни қувонтириб юборди. Ёш Аҳмаддон бутун кунини радиоузелда ўтказар, радиотехника сирларини ўрганар эди. Йиллар ўтиб бу қизиқиш Аҳмаддон-

ни Тошкент сари етаклади. У 1960 йили Тошкент алоқа политехникуми (ҳозирги ало-



қа коллежи)га ўқишга кирди. Ўқишни намунали тугатган, йўлланма билан кўриқ Сирдарёнинг Гулистон шаҳрига келди. Ўша йиллари шаҳарда радио ва телевидение деярли тараққи этмаган, шу туфайли уларни таъмирлаш устaxonаси ҳам йўқ эди. Ёш алоқачи Гулистон шаҳрининг аҳоли гавжум яшайдиган ма-

ҳалласида радио-телевизор таъмирлаш устaxonасини биринчи бўлиб очди. Ўша пайтларда техника ва транспорт жуда танқислиги боис, бошқа шаҳар ҳамда қишлоқлардан носоз радио-телевизорларни олиб келиб, тузатиш қийин бўлган. Шу сабабли ҳам Аҳмаддон ака бошқа шаҳар ва қишлоқларда ҳам таъмирлаш устaxonалари очди, маҳаллий йигитлардан мутахассислар тайинлаб, бу ишни бутун вилоятда кенг авж олдиртириб юборди.

Кейинчалик, 1966 йили вилоят «Зангори экран» бирлашмаси ташкил топган сўнг бош муҳандис ва 1974 йилдан 1996 йилга қадар бош директор вазифасида ишлади. Вилотнинг туман ва шаҳарларида «Зангори экран» телерадио соझла марказларини ва қишлоқларда шохобчаларини яратишда ўз хиссасини қўшиб келди. Аҳмаддон ака Хўжаниёзов раҳбарлик қилган «Зангори экран» ташкилоти бир неча ўн йиллар давомида юқори кўрсаткичларга эри-

шиб, республикада биринчи-лар қаторида турган ва шу туфайли ҳам бошқа вилоятлардан Сирдарёга вакиллар тез-тез келиб, иш ўрганишар эди. Меҳнат фаолияти давомида Аҳмаддон ака Сами Самадов, Аъзам Каримов, Неймат Нишонбоев, Комил Йўлдошев, Сафар Дўстжонов каби юзлаб шогирдлар тайёрлади.

Аҳмаддон ака санъатни жуда қадрларди. Хоразмча кўшиқларни жон дили билан тинглар, уларнинг ижрочилари билан яқиндан дўст эди. Бекжон Отажонов, Отажон Худойшукуров, Назира Юсупова, Бобомурод Хамдамов, Раҳматжон Қурбонов ва бошқа етук санъаткорлар Аҳмаддон ака хонадониде меҳмон бўлиб, бир пиёла чой устиде кўзгин-сўхбатлар қуришган.

Шунингдек, у киши мумтоз адабиётни жон дилидан севар, ҳатто айрим шоирларнинг ҳаёти ва ижодини ёддан билар эди. Раҳматли ўзи истиқомат қилган маҳаллада чойхона, сартарошхона қурилишининг ташаббускори бўлган.

Аҳмаддон ака 15 ёшидан

бошлаб Куръони карим сураларини ва пайгамбаримиз Муҳаммад саллоллоху алайҳи васаллам ҳадисларини ёд олишга киришган. Йилда бир маротаба Туркистон шаҳридаги Хўжа Аҳмад Яссавий, Арслонбоб бобо мақбаралари ва бошқа зиёратгоҳ жойларга бориб турарди. Диний илмлар қатори дунёвий илмларга, физика ва математика фанларига қизиқар эди.

Аҳмаддон аканинг ёнида доимий ҳамнафас бўлган умр йўлдоши Моила опа ҳозир нафақада. Фарзандлари Илхом вилоят электралоқа назоратида муҳандис. Гулчехра вилоят телерадиокомпаниясида муҳбир, Рустам «Ўзбекинаво» бирлашмасининг Сирдарё вилояти бўлими директори, Алишер «Сирдарё телеком» ХЖда муҳандис вазифаларида элга хизмат кўрсатиб келишмоқда.

Аҳмаддон ака Хўжаниёзовнинг номи яхши инсон сифатида барча сафдошлари, шогирдлари ва фарзандлари қалбиде абадий сақланади.

**Абдугофур ҲОТАМОВ,**  
жамоатчи муҳбиримиз,  
Сирдарё вилояти

• Хотира

## УМР ОҚАР ДАРЁ

Меҳнат фахрийси, фахрий радист Эргаш ота СОЛИХОВ ярим асрдан буён эл хизматида. У иш фаолиятини 1944 йили Зангиота туманидаги алоқа тармоғида бошлаган эди.

## КАСБ ФИДОЙИСИ

— 1943 йили урта мактабни тугатиб, колхозда ишлаб турган вақтларимда Икромжон ака Содиқов мени Зангиота туманидаги алоқа тармоғида ишлашга таклиф қилди, — дейди биз билан сўхбатда Эргаш ота. — Икром ака алоқачилик касбининг барча сир-асрорларини менга кунт билан ўргатди. У кишини мен устозим деб биларман. Алоқачилик соҳасини танлаб, ҳаётда уз уринимни топшимизда Икром аканинг хиссаси жуда катта. У киши ҳозир нафақадалар. Устозни тез-тез йўқлаб тураман.

— **Ўзингиз ҳам ҳозир нафақада экансиз?**

— Ҳа, ўн йилдан бери мен ҳам нафақадаман. Аммо севган касбимдан ажралиб, уйда утиргим келмади.

1978 йили 76-АТСга электроромантур бўлиб ишга кирдим. Шундан буён яна эл хизматидаман. Хонадонларга қақириб туришди. Радиоуқталарни тузатамиз, узилган симларни улаб берамиз, хуллас одамларнинг оғирини енгил қилишга ҳаракат қиламиз. Эллик икки йилдан буён алоқа соҳасида ишлайман. Дарахт бир жойда кукаради дея бежиз айтишмаган. Агар касбимни севмаганимда шунча муддат бир жойда ишламаган бўлардим.

— **Ишингизда ўзига яраша муаммолар ҳам бўлса керак?**

— Албатта, иш бўлгандан кейин айрим муаммо ва камчиликлар ҳам бўлади. Баъзан

қақирилган жойга транспорт етишмаслиги сабабли кечикиб борамиз. Транспорт топилганда ўчакишгандек бензин масаласи муаммога айланиб қолади. Баъзан эҳтиёт қисмлар етишмайди. Лекин бу қийинчиликлар ўтиб кетади деб уйлайман. Мана, Мустақил Ўзбекистонимиз йилдан йилга ривожланиб, равнақ топиб бормоқда. Замона тинч бўлса, сидқидилдан меҳнат қилсак, барча қийинчиликларни енгиб ўтишимизга ишончим комил.

— **Фарзандларингиздан сизнинг касбингизни эгаллагани борми?**

— Афсуски йўқ. Шундай бўлса ҳам улардан нолимайман. Ҳар ким ўзи суйган ошни ичиши керак-да. Еттига фарзандим бор. Ҳаммаси уйли-жойли, йигирма икки нафар неварам бор, бу жиҳатдан жуда бадавлатман. Катта ўғлим Тошкент метрополитенида участка бошлиғи бўлиб ишлайди. Иккитаси муҳандислик касбини эгаллаган. Қизларим эса мураббий, Хуллас, фарзандларим билан фахрланаман. Улар ҳам эл хизматида. Менимча, бахт деганлар шундай бўлса керак-да, қизим.

— **Эргаш ота, сизни «ХАБАР» газетаси ижодий ходимлари номидан яқинлашиб келатган Мустақиллик байрамининг 7-йиллиги байрами билан чин юракдан қутлайман. Сиз каби ўз касбига фидойи инсонлар кўпаяверсин.**

— Раҳмат, қизим. Мен ҳам фурсатдан фойдаланиб, барча алоқачиларни ва юртдошларимни Истиқлол байрами билан қутлайман.

Сўхбатдош:  
Хулкар РАҲИМҚУЛОВА

## АНДИЖОНЛИКЛАР ҲАМ УЯЛИ ТЕЛЕФОНДАН ФЙДАЛАНИШМОҚДА

«Ўздунробита» кўшма корхонасининг Андижон бўлими етакчи мутахассиси Хусанбой Ортиқов билан жамоатчи муҳбиримиз вилоятда жорий қилинган уяли алоқа хизмати ҳақида сўхбатлашди.

— Уяли алоқа ҳаётимизга дадил кириб келмоқда. Айрим расмий маълумотларни эслайлик. 1990 йили дунё бўйича уяли телефон 11 миллионга эди. 1996 йилга келиб унинг сони 137 миллионга етди. 2000 йилга бориб бу кўрсаткич ярим миллиардга етиши кутилаётир.

Мустақил республикамизда ҳам уяли алоқа тизимини жаҳон андозалари талаби даражасига етказиш учун изчил иш олиб боришмоқда. Миллий кадрларни тайёрлаш, тарбиялаш ҳам эътибор кучайди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида қабул қилинган Қадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгилаб берилган вазифалар қаторида «Кадрлар тайёрлаш тизими ва мазмунини мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёт истиқболларидан, жамият эҳтиёжларидан, фан, маданият, техника ва технологиянинг замонавий ютуқларидан келиб чиққан ҳолда қайта қуриш» долзарб масаладир. Бунга жавобан «Андижон телеком» хиссасдорлик жамиятида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Андижон шаҳридаги йирки саноат корхоналари, ташкилотлар, корхоналар, муассасалар, хусусий фирмалар, деҳқон-фермер ҳўжаликлари, ширкатлар, ишбилармонларнинг асосий қисми уяли телефон хизматидан фойдаланмоқдалар.

Шаҳрихон, Асака, Қургонтепа туманларида, Хонобод шаҳрида аҳолига хизмат кўрсатишда уяли телефондан кенг фойдаланилганди. Уяли алоқа хизмати туридан бири роуминг-дир. Бу хизмат турини «Ўздунробита» кўшма корхонаси му-

вафқиятли ривожлантириб бормоқда. Бу корхонанинг Андижон бўлимида хизмат қилаётган Қозимжон Аҳмадлар, Абдувоҳид Дадажонов, Шерзодбек Абдуллаев, Михаил Васильевич Вигореский каби мутахассисларимиз Фаргона, Наманган, Қўқон бўлиmlарида техника хизмати кўрсатишаётир.

Дунёнинг АҚШ, Япония, Германия, Корея, Швеция, Канада каби тараққий этган мамлакатларида уяли телефон жуда самарали ишлайди. Бизда асосан ўзбек-америка кўшма корхонаси ҳамкорлигида иш кетаяпти. Дастгоҳлар Нортен телеком фирмаси орқали келмоқда. Ноев ва қимматбахто дастгоҳларни ишлатиш учун кадрларни ўқитиш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш доимо диққат-эътиборирилади. Мухандислар Шерзодбек Абдуллаев, Қозимжон Аҳмадалиевлар АҚШдаги Нортен фирмасида ўқиб, малака ошириб келдилар.

Биз уяли алоқа хизматини бундан кейин ҳам давр талаби даражасида бўлиши учун бутун куч ва имкониятларимизни ишга соламиз.

Сўхбатни Қўлдош  
ҲОЖИМАТОВ ёзиб олди

## ЭЪПОН

Почта ва телекоммуникацияларни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамгармаси ва унинг 1998 йил 30 июлдаги 4-баённомаси қарорига асосан Фаргона вилояти, Охунбобоев тумани, Эшонгузар қишлоғида янги алоқа бўлими биноси қурилиши муносабати билан «Фаргона почтаси» хиссасдорлик жамияти қурилиш ташкилотларини танлов асосида ишга таклиф этади.

ТЕЛЕФОН: 24-13-91,

Факс: 24-17-18, код: 8-373-2.

«Фаргона почтаси» хиссасдорлик жамияти

## ТАБРИКЛАЙМИЗ!

«Фаргона телеком» хиссасдорлик жамияти, Охунбобоев тумани филиали жамоаси корхона телефончиси Дилафзал ҚОДИРОВАНИ 40 ёшга тўлганлиги муносабати билан чин дилдан қутлайди. Унга сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик, узок умр тилайди.

## ТУЗАТИШ

Газетамизнинг ўтган № 32 сониде берилган эълондаги «ALOQA TA MINOT» очик турдаги акциядорлик жамияти хиссасдорларининг навбатдан ташқари умумий йилгилиши 1998 йил 10 сентябрь куни соат 14.00 да ўтказилади деб ўқилсин.

Буюк Соҳибқирон Амир Темурнинг навкарлари ичида мард, баҳодир, уқтам, тўғри сўз бир йигит бор эди. У қандай топшириқ бўлса, аъло даражада бажарар, нимаики иш қилиш керак бўлса, сўзсиз адо этар, жангу жадалларда моҳир мەرған, енгилмас жангчилардан бири эди. Амир Темурнинг уша йигитга меҳри бисёр эрди. Кунлардан бир куни буюк Амир уша мард жангчини уйлантириб қўймоқ ниятида вилоятлардан келтирилган ўнта ниҳоятда хушрўй, энг сара, қад-қоматлари келишган қизларни ҳузурига чорлашларини буюрди. Амирнинг буйруғи адо этилиб, қизлар келтирилди.

Амир Темур бу гузалларнинг ақл-заковати ва фаросатини синаш мақсадида уларга шундай савол берди:

— Дунёдаги энг буюк нарса нима?

— Энг суюкли нарса-чи? Гузаллар бир-бирларига

# КЕЛИН ТАНЛОВИ

Амир Темур ҳақида ҳикоятлардан



қарадилар, ой юзларида ҳайрат аломатлари пайдо бўлди, қоп-қора зулукдек қошлари керилиб, узун-узун киприқлари пир-пир учди ва ниҳоят, қаторда биринчи турган гузал изн сўраб, жавоб берди: — Гузаллик ва Ёр, — деди

у. Иккинчи гузал шундай жавоб берди: — Бойлик ва хурсандчилик! Учинчи гузал деди: — Гузал либос ва ширин таом! Туртинчи гузал қиз деди:

— Олтин ва кумушлар! Бешинчи гузал ноз ила деди:

— Сайру томошалар, ором олишлар!

Олтинчи парирухсор деди:

— Ер боқишлари ва меҳри!

Еттинчи гузал чеҳра деди:

— Ширинликлар ва сархуш ичимликлар!

Саккизинчи Ёр деди:

— Марвариду маржонлар!

Тўққизинчи гузал пари деди:

— Куз олувчи олтин буюмлар!

Ва ниҳоят, унинг гузал қиз шундай жавоб берди:

— Она-юрт ва фарзанд қувончи!

Ушбу жавобни эшитган Амир Темур унинг гузални навқарига сўзсиз ниқоҳлаб берди ва дедиким:

Кимнингким сўзи доно Ул асл олтиндин аъло!

## ДОНОЛАР БАХТ ҲАҚИДА

Иш билан банд бўлмаган киши бахтдан ҳеч қачон тўла бахраманд бўла олмайди.

Генрих ГЕЙНЕ

Энг кўп кишиларга бахт берувчи киши энг бахтиёр кишидир.

Д.ДИДРО

Бахт кўп меҳнат қиладиган кишига муяссар бўлади.

Леонардо да ВИНЧИ

Бошқаларни бахтли қилиш — бу дунёда бахтли бўлишни энг тўғри йўлидир.

Пол ГОЛЬБАХ

Соф юрак бошқалар бахтсизлиги асосида қурилган бахтни қабул қила олмайди.

Саъдий ШЕРОЗИЙ

Кимники бор эса бир бурда нони, Узига яраша уй-ошиёни, На биров унга кул, на у бировга, Шод бўлса арзийди — шудир жаҳони.

Умар ХАЙЁМ

Кўпроқ бахтга эришай десанг қалбингни оч!

Ўзбек мақоллари

Ҳар бир қийинчиликдан сўнг бир роҳат бор.

Ўзбек мақоллари

Бахт қулғу бор уйга қирар.

Япон мақоли

Шоир билан бастакор тунда ширакайф ҳолда зиёфатдан қайтишадиган экан, йўлда мелиса тухтатибди. Бастакор чап-дастроқ экан, мелисага чап бериб қочибди, фақат буйинбогининг бир учи мелисанинг қўлида узилиб қолибди. — Сен кимсан узинг? — мелиса аламини шоирдан олмоқчи бўлиб удагайлайди. — Шоирман. — Агар шоир булсанг... ма-

## ЯНГИ ЛАТИФАЛАР

на шу узилиб қолган буйинбоққа атаб битта шеър тўқичи! Шоир уйлай-уйлай шундай шеър тўқийди: Энангни эмгур Тухтасин, Ташлаб қочди нухтасин. Мелиса хо-холоб кулиб юборади ва шоирни уйигача кузатиб қўяди.

Уч яшар болақайдан меҳмон сурабди: — Қани айтчи, сен онангни кўпроқ яхши курасанми ёки отангинми? — Отамни кўпроқ яхши кураман. — Нера-энди?

— Чунки отам уйда камроқ бўлади-да!

Тиш оғриб қолган бемор дўхтирга боради. Руйхатга олувчи қиз дўхтирнинг бугун ишласлигини айтади. Хурсанд бўлиб кетган бемор сўрайди: — Айтингчи, дўхтир яна қайси кунлари ишламайди?

**МУАССИС:**  
Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги  
Бош муҳаррир: Шодмон ОТАБЕК

**ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:**  
Абдувоҳид ЖҲРАБОЕВ  
Шухрат ЖАББОР  
Анатолий КУДИНОВ  
Иззат АҲМЕДОВ  
(Бош муҳаррир ўринбосари)  
Абдугани АБДУРАҲМОНОВ  
(Масъул котиб)  
Мирпўлат МИРЗО  
Рустам ҚОСИМОВ  
Қуролбой ТҮЛЕБОВ  
Ёқубжон ХУЖАМБЕРДИ

**ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:**  
Бўриной АҲМЕДОВ  
Саидмаҳмуд АКБАРОВ  
Шохруҳ АКБАРОВ  
Меҳмонкул ИСЛОМКУЛОВ  
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ  
Тоғай МУРОД

**МАНЗИЛИМИЗ:** 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.  
**ТЕЛЕФОНИМИЗ:** 136-36-42, 136-35-29, 144-29-09.  
Факс: 136-36-42.  
ИНДЕКС: 64600  
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ  
Муҳарририятга келган кўлэмзалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.  
Рўйхатга олиш №00011. Буюртма № Г-0277. 8245 нусхада чоп этилди.  
Объект усулида босилди.  
Бичими А-3, ҳажми 1 босма табок.

Тангри сизларнинг ташқи кўринишларингиз ёки молу дунёларингизга эмас, балки дилларингизга ва ишларингизга қараб баҳо беради.

Икки кишининг бирга ўтириб қилган суҳбатдаги гаплари омонатдир. Суҳбат қурган кишилар Тангрининг омонати билан тарқагайлар. Суҳбатдошининг сирини фош қилиш тақиқлангандир.

Мен барча яхши ахлоқни тақомиллаштириш учун юборилганман.

## ПАЙҒАМБАРИМИЗ НАСИҲАТЛАРИ

Қалб — доимо ўзгариб туриши сабабли қалб деб аталади. Гўёки у саҳродаги бир шохчага илиниб қолиб, гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа ағдарилаётган барг кабилдир.

Мен лаънат айтишга эмас, балки раҳмат учун юборилгандирман.

Икки заиф тоифа, яъни етим ва аёл ҳаққини емоқликни сизларга ҳаром қиламан.

Бирор нарсага муҳтожлик сезиб, уни сўраш жуда зарур бўлиб қолса, солиҳ, яхши одамлардан сўрангиз.

Сизларга ибодатнинг енгилроғи ва бажарилиши ҳам осонроғидан хабар берсам, у хомушлик ва хушхулқликдир.

Ораларингизда энг кучлиларингиз кимлигини айтимайми? У газаби келганда ўзини тутиб тура оладиганингиздир.

## Бу — қизиқ МИС БИЛАКУЗУК ФОЙДАЛИМИ?

Мисдан ясалган билакузук чиндан ҳам фойдалими? Бу савол кўпчиликни қизиқтириши табиий. Маълум бўлишича, мис билакузук металлотиерапия деб аталадиган даволаш турининг воситаси ҳисобланади. Оз миқдордаги электр зарядга эга бўлган билакузук сирти теримиз сиртида мавжуд бўлган электр заряди билан ўзаро таъсирланиб, киши руҳиятига ижобий таъсир этади. Ундан асосан оғриқ қолдириш мақсадида фойдаланилади. Билакузук билакка тўғри тақилса, унинг терига тегиб турган жойларида яшил излар пайдо бўлади. Бу қўлланган усул беморга ижобий таъсир кўрсатиб, шифобахш эътибатидан далолатдир.

Боснига топширилди — 19.30  
Боснига топшириш вақти — 21.00

ДУШАНБА 24

УзТВ-I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.40 «Тахлиннома»
9.40 «Ўзлик». Бадий-публицистик
курсув.

УзТВ-II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Ериштош». Мультипликация.

УзТВ-III
17.05 Янгиликлар.
17.10 «Аралаш». Болалар учун ҳаёвий
киножурнал.

УзТВ-IV
17.10 - 18.45 Туркия телевидениси
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мултомоша».

УзТВ-V
17.10 - 18.45 Туркия телевидениси
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мултомоша».

УзТВ-VI
17.10 - 18.45 Туркия телевидениси
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мултомоша».

УзТВ-I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.40 «Тахлиннома»
9.40 «Ўзлик». Бадий-публицистик
курсув.

УзТВ-II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Ериштош». Мультипликация.

УзТВ-III
17.05 Янгиликлар.
17.10 «Аралаш». Болалар учун ҳаёвий
киножурнал.

УзТВ-IV
17.10 - 18.45 Туркия телевидениси
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мултомоша».

УзТВ-V
17.10 - 18.45 Туркия телевидениси
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мултомоша».

УзТВ-VI
17.10 - 18.45 Туркия телевидениси
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мултомоша».



мустикаллигининг 7 йиллигига «Шук-
рон».

ПАЙШАНБА 27

УзТВ-I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.25 «Ахборот».

УзТВ-II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Ериштош». Мультипликация.

УзТВ-III
17.05 Янгиликлар.
17.10 «Аралаш». Болалар учун ҳаёвий
киножурнал.

УзТВ-IV
17.10 - 18.45 Туркия телевидениси
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мултомоша».

УзТВ-V
17.10 - 18.45 Туркия телевидениси
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мултомоша».

мустикаллигининг 7 йиллигига «Шук-
рон».

ДУШАНБА 30

УзТВ-I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.25 «Ахборот».

УзТВ-II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».

УзТВ-III
17.05 Янгиликлар.
17.10 «Аралаш».

УзТВ-IV
17.10 - 18.45 Туркия телевидениси
18.45 Кўрсатувлар тартиби.

УзТВ-V
17.10 - 18.45 Туркия телевидениси
18.45 Кўрсатувлар тартиби.

СЕШАНБА 25

УзТВ-I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.25 «Ахборот».

УзТВ-II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».

ЧОРШАНБА 26

УзТВ-I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.25 «Ахборот».

УзТВ-II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».

ШАНБА 29

УзТВ-I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.25 «Ахборот».

УзТВ-II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».

УзТВ-III
17.05 Янгиликлар.
17.10 «Аралаш».

ЖУМА 28

УзТВ-I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.25 «Ахборот».

УзТВ-II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».

УзТВ-III
17.05 Янгиликлар.
17.10 «Аралаш».

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Кайгузис кувонч бўлмас». Муль-
типликация.

17.10 - 18.45 Туркия телевидениси
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мултомоша».

17.10 - 18.45 Туркия телевидениси
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мултомоша».

17.10 - 18.45 Туркия телевидениси
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мултомоша».

17.10 - 18.45 Туркия телевидениси
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мултомоша».

17.10 - 18.45 Туркия телевидениси
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мултомоша».

17.10 - 18.45 Туркия телевидениси
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мултомоша».